

МЕХРГА ТАШНА НУРЛИ ҚҮЁШ

Саламат Аvezov

«SA.KR.UZ» ШАХСИЙ ВЕБ-САЙТИ

14 август 2016 й.

Ишлаб чиққан: «SA.KR.UZ» шахсий веб-сайти
Нукус «ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН - 2016»

МЕХРГА ТАШНА НУРЛИ ҚҮЁШ



Авшаллари бундай шафқатсиз нигохлар, дәзүтиборсизлик, беписандсизлик, үзларининг сағларидан жой бермаслик, менга жудаям оғир ботган бўлсаям атрофимда боболарим, буваларим, ота-онам, ақаларим, опаларим, аммаларим, холаларим, амакиларим, тоғаларим, почгаларим, икки синглим, уқажоним ва жииянларимнинг битта чийдим меҳрибончигиги, менинг тилимини ва дилидан тушиунадиган одамлар борлигини англанишга қалбимдан хис қилишининг ўзи баҳт эмасми.

Саламат Авезов

Саламат Авезов

МЕХРГА ТАШНА
НУРЛИ ҚҮЁШ

Мезинг кадрдан китобханасы

*Дүнёдаги барлау зерттегілдерге және мемлекеттегі
жерактарға поқыншылық және хөтимжасалық артуруға дүлсін!!!*

Кадрданың Саламат.

Асессор = _____ иш

НУКУС
«КОРАҚАЛПОҒИСТОН – 2016»

Қадрли мұхтарам китобхонлар!

Қүёш нури. Ҳар кимнинг юрагининг тўрида қуёш меҳри бор. Ўша меҳр қуёши пок инсонларни кўрган пайтда қалб жиринглайди, кемтик қалбли инсонларга назаримни ташлаганимда, дардларидан секин хўрсинаётгандаи бўлади. Ногиронлик унвонини юрагинга михдек қоқиб қийганга ўхшайди. Қанча дод фарёд солиб қичқиришса ҳам йўқолмайди. Меҳр қуёши шу юракларда ҳам порлайдику. Ҳаёт ширин ва гўзал неъмат. Инсон умри давомида ҳаётдан ширин ва гўзал неъматдан баҳра олсан дейди. Унинг қувонч ва ташвишларини қўради, аччиқ чўчигини тортади. Бенобарин, умр йўлларида қўп нарса учрайди инсонга. Гоҳида шодликдан масрур бўлса, гоҳида бошига мусибат тушади, дунёниг энг оғир юкини елкасига, қўксига дард унвонини кимдир тақиб қийгани каби қўтариб юргандай. Чунки буни ҳаёт дейдилар. Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин... Мучаси кемтик кўнгли ўксик қалбли инсонлар ҳам ҳаётнинг қувончларини қўришни беғуборлик ҳиссини туйши дилдан ҳис қилишни кимлар хоҳламайди дейсиз. Қатор-қатор фарзандлари дунёга келганида баҳтдан қувонади.

Шуларнинг камолини қўришни дил-дилидан истайди. Ногирон фарзанд дунёга келганида қуёш ҳам шу оиласа заррин нурларини беадад сочаётгандек туйилади. Унинг самимий табассуми қалбларга шодлик ўрнини қайғу ғамни ҳадя этади. Аммо баъзилар дунёга таклиф қилиб, қувилмаган меҳмон сингари ҳис қилишлари мени таажжубга солади.

Дардларининг шифо дамлари насиб қилармикан қани эди кичкина бўлсаям умид учқунини кўра олсан деганлар орамизда камми.

Афсус... Ҳаётда шодлик ва қайғу, дард ҳамиша ёнма-ён яшаркан. Биз одамлар ҳаётимиз давомида, асосан, нимадан қийналамиз, дардимизга қўмилиб азият чекамиз, энг бебаҳо бойлик — соғлиқни бой берамиз?. "Йўқотганимни топдим" деймиз-у, шодлик ўрнини ғам ташвишларга чўмиламиз.

Ҳаётдан ноумид эмасман, бу гап қалбимда умид чироғини ёқилган шамчироқ. Зиммамиизда ана шундай улкан ишонч турганини ҳис қилиб яшаш улкан масъулият. Китобхонларга қувват бўладиган, мадор ва најсот берадиган малҳам сўзларини қалбларни титратда умидворлик баҳш эта олсан ажабмас...

МУАЛЛИФ

Меҳрға ташна нурли қүёш



Инсоният бу оламда мавжуд экан, ҳар биримиз меҳр туығусига чанқаб турган меҳринизга қониб туысам дейди. Минглаб инсонлар орасидан шу меҳрни сўзини излаб муштоқ бўлиб яшайдилар. Меҳр-оқибатнинг илоҳий туығусидур, шу сўзни ҳар бир инсон юрагининг тўрида шинамгина жой эгаллаб кези келганида яхши инсонларни бағрига босиб бир-бирларига улашадилар. Инсонни бу дунёда икки нарса – меҳр ва қадр тутиб туради.

Шу тўртдагина ҳариф бутун оламни, курраи заминни инсонларнинг бир-бирларига боғлаб турувчи ипидур. Ҳеч бир сўз йўқки ундан устун бўлмаса, бутун вужудингни жунбишга солиб, кўз ёшларни қалқитиб чиқаради.

Ўз меҳрини ўзгаларга улашиш ҳам катта иромда ва матонатни талаб қиласи, лекин шундай инсонлар борки атрофимизда, ўз меҳрини ўзи учун қизғанадиган, ҳаттоки атрофдагиларнинг меҳр улашувини кўролмайдиган, ўзидан ортмайдиган инсонлар менинг ёнгинамда борлар. Бундай инсонларнинг қалбида яхшилик, эзгулик, меҳр-муҳаббат, оқибат ва диёнатни сўзларни онгу тафаккурига бутунлай сингдиролмайдиган инсонлар жудаям бисёр. Шунга қиёс инсонларни ҳар биримиз кўрамиз ва ёки бирортамиз улардан биримиз...

Қизиқ, «Орадан меҳр-оқибат кўтарилди». Катта-кичик давраларда, тўй-ю, ҳашамларда бу иddaoga тез-тез дуч келамиз. Беихтиёр дилимда бир савол туғилади: меҳр-оқибатнинг манзили бормикин? Агар бор бўлса у қайси қалб тубида жойлашган экан, у қаерда?

Шундай олижаноб меҳр дарёси уммон каби инсонлар орамизда борки, ҳеч қачон меҳрни қизғониш нима эканини онгига теран сингдирилган. Бу дунёда ундей инсонларнинг оқибатни ва диёнатни ўзига ширин бир сўз деб калбига қиздирилган темир сингари шакллантиради. Меҳр ва яхшилик уруғи эса нурли қүёш каби унуб буриклиради. Мехрга ташна нурли қүёшини яхшилик уруғи билан унуб ўсади.

Меҳрни ҳар ким, ҳар хил тушунадилар, инсон бу дунёга келишининг ўзи ҳам бир мўжизадир, энди онадан туғилган миттигина бола ҳам уша пайтидан бошлаб шакллана бошлайди, мен дунёга келдим деб йиғлай бошлайди оламга жар солиб биринчи илиқ нафас чиқаради, кейин эса онасининг илиқ кафтилар билан қўлига олиб, иссиқ бағрига босиб меҳр кўзига қараб онасига жилмаяди.

Аммо... инсонлар орасида мучаси кемтик кўнгли ўқсик ногирон оналаримиз ҳам бор. Шу тариқа Интернет сайтлари орқали намойиш қилинган қўлсиз она ҳақидаги ақлбовар қилмас тасвирни кўпчилик кўргандир. Қўллари йўқ она икки оёғи билан гўдагини овқатлантиради, ювинтиради, кийинтиради, таглигини алмаштиради. Бориб бозор-ўчарини қилиб келади. Ҳаттоки, оёқлари билан боласини уқалаб қўяди, ўйнатади. Фарзанди униб-ўсиши учун бутун имкониятини ишга солади. Унинг фидойилигини кўриб, оналарга берилган меҳр-муҳаббат туығусининг қай даражада буюклигига амин бўлади киши.

Ногирон бўлишига қарамай, оналик вазифасини сидқидилдан уддалаётган бу аёл тўрт мучаси соғ, бардам-бақувват оналарга матонат дарсидан катта сабоқ берадиганини англадим.

Сизга бўлсин ҳуш тилаклар, ҳарки соғлиқ ва омад сизгадир,

Сизга бўлсин зиё-нур, маърифату, маънавият сизгадир.

Сизга бўлсин меҳр бўлаги-ю, қадру-қиммат сизгадир,

Сизда қолсин битта чимдим меҳрим, одамлардан оқибат!

Авваллари бундай шафқатсиз нигоҳлар, беэътиборсизлик, ўзларининг сафларидан жой бермаслик, менга жудаям оғир ботган бўлсаям атрофимда боболарим, буваларим, ота-онам, акаларим, опаларим, аммаларим, холаларим, амакиларим, тоғаларим, поччаларим, икки синглим, укамжоним ва жиянларимнинг битта чимдим меҳрибончилиги, менинг тилимни ва дилидан тушунадиган одамлар борлигини англашимга қалбимдан ҳис қилишимнинг ўзи баҳт эмасми. Шу боис мен ҳеч қачон одамлардан ўзимни ўзгалардан олиб қочмайман, ҳеч қачон. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳеч қачон қочиб кетмайман.

Дарҳақиқат, битта чимдим меҳрим, одамлардан оқибат қолсин деймиз. Аммо, шиддат билан ўтаётган даврда инсонлар қаергадур шошиб кетаётгандек гўё назаримда, бирбириларига беэътиборлик, меҳр-оқибатсизликни ўзига ёд кўрадиган, кибр ва ҳаёни, разилликни ўзига энг яқин сўз деб биладиган одамларни кўрсам, уларга ачинарли нигоҳим билан қиё боқаман.

Кўп одамларнинг орасида бўлганим боис қулоғимга шундай гаплар чалиниб қолади. Замон ўзгарди дейди одамлар меҳр қуёшини ўзгаларга соя солмоқда, осмонни қора булат қоплагани каби, инсонларнинг қалбида ҳам қора булатлар саҳро кемасидай суза бошлади.

Шу онларда уша инсонийлик ҳиссини ўзимиздан қидиришга ўринмаймиз, ҳаттоқи ҳаракат қилиб ҳам кўрмаймиз, ўзимизча дунёнинг мушкул иши деб ўз-ўзимизга таскин бериб беписандлик билан кўра била туриб жимгина ўтиб кетаверамиз. Мана шу инсонийликга хос тўғри келади деб ўйлайсизми, асло йўқ ундей инсонларнинг одамийлик фазилатлари меҳр қалбида куртак очмаган.

Осмонларга термилиб Аллоҳдан сўрайман, шундай одамларни бергинки, меҳр қуёши асло ботмасин дейман.

Шу жумладан, Алишер Навоий бутун ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг меҳр-оқибатли, баҳт-саодати, халқнинг фаровонлигига ўзини бағшийда қилган улуғ зотдир.

Хуб эл билан сұхбат тутубон хуб ўлғил

Яхшини талаб құлғылу матлуб ўлғил

Навоий иймон, инсоф, диёнат, саховат, мурувват каби инсоний қадриятларга ҳамиша амал қилиб яшади ва эъзозлади. Бошқаларни ҳам шунга ундади.

Инсонлар бир-бирларидан меҳрни дариғ тутмасинлар дейман ўзимча. Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи, мол-дунё, соғлиқ, амал, лекин меҳрга ташна нурли қуёш эса ҳар тонгда жилмайиб чиқаверади, инсонларда эса меҳр-оқибат ўлмайди. У инсонларни бирлаштиради, эзгу ишларга чорлайверади...

Меҳр бўлсин ёр

Қушга парвоз учун керакдир қанот,
Булбулнинг умирини безайди баёт,
Инсонга бахт учун берилур ҳаёт,
Кўнгил нақши эрур билсанг гар сабот.

Юрагингда асра меҳригиёни

Тинма ҳеч, излагин билим – зиёни,
Ёмонликни унум, унум риёни,
Кўлингдан келса гар гуллат дунёни

Бу – кўхна бозордир, харидори – биз.
Яхшилар қолдиргай ўзидан бир из,
Эй, инсон, эзгулик шодасини туз,
Тоғлар ҳам чўксинлар пойларингга тиз.

Вақт олий ҳакамдир, бошқаси бекор,
Дўсту ёр бор жойда бошқа не даркор,
Айтгайман ҳамиша тақрор ва тақрор:
«Кўнгилга ҳамиша меҳр бўлсин ёр!»

Нодира Ҳусаинова
Урганч шаҳри

Қалб мактуби



Дунёда сиз ҳеч ким бўлмаслигингиз мумкин,
Лекин ким учундур бутун дунёсиз.

Негадир ҳар сафар шу мисраларни ўқиганимда
қалбимда тушуниб бўлмас ғууррга буркаган
ајсиб ҳисларимни түғён юрагим хафлигиб уради.
Ногирон болажонлар, йигит-қизлар! Шу сўз
замирада дунёнинг энг оғир юкини елкасига,
қўксига дард унвонини кимдир тақиб қўйгани
каби қўтариб юргандай гўё.

Ўзгалардан ўзларини олиб қочиб ортиқча ҳис этиб,
ожизлик ва беғуборлик тароватини ўзлари учун
бегонадай уфуриб тургандай менинг назаримда, халақит бериб яшаётгандар учун
атрофдагилардан узр сўрайдилар.

Она вужудида пайдо бўлган вақтдан бошлаб, ҳамма уни соғ-омон дунёга келсин, деб дуо қиласди. Умуман акси бўлса-чи?. Эркак ота, аёл она макомига юксак даражада қўтарилади. Бу инсон учун жуда улкан ва айтишга сўз топалмайдиган баҳтдир. Ногирон фарзанд-чи?

Ногирон фарзанд дунёга келганида қуёш ҳам шу оиласа заррин нурларини беадад сочаётгандек туйилади. Унинг ширингина самимий табассуми қалбларга шодлик ўрнини қайғу ғамни ҳадя этади. Аммо баъзилар дунёга таклиф қилиб, қувилмаган меҳмон сингари ҳис қилишлари мени таажҷубга солади.

«Эҳ, инсон зоти», дея буро-буро гапирадиган, тонгги шудринг мисоли пок, беназир соддалик соҳиб ва соҳибалар дил пайванди бўлган болажонидан ўксинишади. «Шу ўринда, Аллоҳим фарзандимни ҳамма қатори соғлом яратсан бўлармиди» деган зардарли аччиқ, совук гаплари эса меҳрга муштоқ болаларнинг қўксига тошдек ботади. Меҳр тилаб титраб турган лаблари, кўзмунчоқдай пирпиратиб турган маъюс тортган қора кўзлари, мўлтираб турган нигоҳларига қараб кўнгил ойнасини чилчил синдиради.

Ногирон бўлиб дунёга келишнинг, нечукдир айбдор сезадилар, қимтинадилар нечук айбли ва аччиқ қисмат эканини қайси соғлом инсон юрагидан ҳис қиласди. Уларнинг нима айби бор? Нима учун чучмомодек эндингина барг уриб қўкараётган нозик қалбли, мучаси кемтик кўнгли ўксик инсонларни сафларидан четлатадилар, нима учун офтобдек порлаб турган юзларига қарашга ташқи киёфасига бетинишга ор қиласди. Шу шеърий қотарлар ёрдамида бир кўнгли ўксик инсоннинг қалб мактубга ёзилган сатрлар сингари ички кечирамаларин тўлиқ кўрсата билган.

Деразамнинг олдидан маъюсгина боқаман,
Ўтган кетган йигит-қизга ҳавас қилиб қоламан.
Нима эди гуноҳим, не эди мени айбим,
Тўшакка миҳланиб мен ёлгиз қолдим Аллоҳим.

Якка қолмай ўзим деб мен чиқаман қўчага
Итаришар қўксимдан ногирон деб болалар аста чеккага.
Мен ҳам сендеқ боламан, гоҳ йиглаб гоҳ қуламан
Сен юрасан мен фақат аравамда маъюс қоламан....

Ахир, ногиран бола ҳам фарзандку?! Шу кўзмунчоқдек болалангиз вақти келиб ўз интилишлари саъй-ҳаракатлари билан ҳаётга бўлган ишонч ва умид тилсимини қалбига сингдириб, аста секинлик билан қадини тиклар. Нима учун фариштадек маъсум ва маъсумаларни ўз назарларига илишмайдилар?!

Муштаккина келагидан юрагида олам-жаҳон меҳр жо бўлган фарзандингиз кўзларига боқинг, ана ўшанда у сизга қараб қанчалик талпинилаётганини кўзларидан ёрдам сўраётганинги кўрасиз ёки бирортамиз улардан биримиз шоҳиди бўламиз... Отанасининг бир оғиз ширин сўзларига муштаклигини кўриб ғайратланасиз.

Ажаб эмаски, ногиранларда кўпинча фавқулодда истеъод соҳиби бўлади. Шунга яраша фикр доиралари кенг, кўнгил дунёси гўзал. Ортида уни қўллайдиган одамлар борлигини ҳис қилган фарзандгина келажакка юз тутиб, умид нигоҳи билан қиё боқиб яхши натижаларга эришиси учун жон-жаҳди, онгу тафаккур, ақл идроки ва заковати покиза қалб ила интилишининг ўзи катта муваффақиятдир.

Аслида ўзгарларнинг бир-бириларига бўлган ишонч маъсулиги қалбida жойлаштириш ҳам инсонларнинг энг яхши ҳислатларининг бири. «Сиз, биз, улар бу ёруғ оламда ҳеч ким бўлмассиз, лекин қайси бир жиҳатларингиз билан бутун дунёсиз» деган самимий сўзлар ва эҳтиромлар эса барчамизнинг руҳлантириб, руҳиятимизни жиловлади.

Ҳамма ҳам истироб чекади аммо, қийинчиликлардан кейин албатта баҳтли дамлар келади. Ўқища, спортда, ишда ва бошқа синовларда ҳам худди шундай. Аслида ҳаёт шунаقا экан, агар имтиҳом дунёсини матонат, миттин ирода ва сабр-тоқат билан босиб ўтилса, нариги тарафида бизни баҳтли қунлар нурини сочиб қарши олади, бунга фақат ишонч ва умид билан интилишдан ҳеч қачон курашишдан енгилмаслик даркор.

Оддий болалар қатори мактабда, коллежда, лицейларда ҳаттоти олий юртларида таҳсил олиб, бошқалар қаторларидан ортда қолмасликка ҳаракат қилиб юрган инсонларни кўриб таажҷубда қоладилар. Чунки бугун менсинмаган, эътиборларидан четлаб ўтган кишиларингиз, вақти келиб эртага ким бўлишларини билмайсиз-ку?

Илм олиб, ўзларининг изланишлари ва қўлга киритаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг равнақига ҳисса қўшаётган буюк мутахассис ва касб камолотли бўлиб этишмоқлик ўзига бир шароф. Ер юзидағи жамики инсонларнинг оғири енгил қилиб, инсоният оламига ғоялари билан илғор сўриб ҳаётга тадбиҳ қилишлари таҳсимларга лойикдур. Миллатни миллат қиласидиган, миллатни маърифат қиласидиган – бу оқила фарзанд.

Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик билимга, устозларга, маърифат Парварларга нисбатан алоҳида ҳурмат эҳтиром — Инсонийликка хос улуғ фазилатлардир.

Қалб мактуби, қалбларни титиратиб меҳр чархпалагини айлантириб умид учкунини ловуллаб ёниши даркор.

Албатта, қалбларни титратиб яшаган инсонгина англаш баҳтига мушарраф бўлади. Қалбдаги мактуб сатрлари йиғилиб-йиғилиб қолган дилингдаги сўзларни юракдан чиқаётган учқин гапларни бошқаларга айтольмаган самимий исҳорини, кишиларга бўлган дил эҳтиромларини, не азоб билан чеккан дардли онгларингни истиробларга қўшиб берган бир муштек юрагингга ҳаммадан сир тутган кўнгил туғёнини ҳеч бўлмаганда ўзингга шивирлаб айта оласан.

Қалб мактубига самимий дил сўзларни битишга на қоғоз, на сиёқдон керак, унга фақат уммон қалбига меҳр ва вафо, виждан туйғуларини сингдиришга тоза юрак керак. Одамлар кенг қалбли бўлинглар, шунда одамлар ҳам сизларга шундай бўлурлар.

Қалбимиз тўла ифтихор



«Бугунги кун нафаси диллардаги шукроналик шукуҳи тиллар кўшиб Яратгандан сўраб қалбимиз тўла ифтихор ила ич-ичингдан севиниб тўлкинланиб кетасан киши».

Ифтихорлик шундай нарсаки пулга сотиб олиш иложи бўлса. Лекин ҳақиқий ифтихорни туймоқ ҳам чин инсоннийликка хос фазилатларнинг биридир. Чин ифтихор тўла қалбни дунёнинг бутун бойлигига сотиб ёки алмаштириб бўлмайди, ҳақиқатдан ҳам ифтихорликга жо бўлган ҳар бир кишининг қалбларини ларзага солиб юрагининг тўрида бўлоғ каби сўзларни тилларда жо бўлиб, кўзларида қувонч ёши ила қалқиб чиқади.

Инсонларни кўршаган беҳисоб кишиларнинг ҳаммаси ҳам қалб ифтихорини юрагидан ҳис этиш нима эканини билавермайди. Одамлар ўзига эмас, аслида, жамият орасида топган мол-дунёси, мансаби, обрўси.... «қалбим тўла ифтихор» деган кимсалар қанча.

Ифтихор – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Одатда фидойилик билан халқига хизмат қилиб юрган бағрикенг инсонлар жуда кўп. Меҳнат шарофати билан уларнинг оиласи, ота-оналари, эртанги кунининг ворислари келажагининг устунни бўлган фарзандлари ифтихорининг нишонидир.

Она заминимизнинг тинчлик осойишталиктининг қадри ҳар кимнинг тилида эмас, дилида ёшларнинг юрак-юрагидан олаётir. Бугунги ёшларнинг илмда, спортда ва бошқа соҳаларда эришаётган муваффақиятларининг далилидур.

Инсонларнинг тақдирни, қизиқишлиари жамият тараққиёти, она Ватан тақдирни билан чамбарчас боғлиқ. Ифтихорлик алангаси дилларга жо бўлиб ёзилажак ҳар бир сўзлар ва самимий тилаклар ана шу узвийларни бутун оламига яхлитлиги, соддалигу мураккаблиги, гўзаллигу тўла ифтихор билан ифодалashi, замондош ҳаётининг том маънодаги имкониятини кўрсатиши муҳим.

Очиқ чеҳра



Халқимизда шундай әзгу тилак бор: "Танингиз сиҳат, умрингиз узоқ бўлсин!". Бу шунчаки манзират юзасидан айтишадиган гап эмас, балки қонқонимизга сингиб кетган одат, фазилатdir. Одамларнинг самимий тарзда бир-бирига шундай лутф қилиши бағрикенглик ифодаси, кўнгил соғлиги ва соғлом тафаккур белгиси, десак, янглишмаган бўламиз.

Очиқ нақадар ёқимли сўз ибораларнинг бири, қалбимизга хушнуд уфикарнинг сочиб, дилларни нуроқшом қилиб, кўнгил қулфларни калитсиз очиб, ғамни эса очиқ чеҳра, меҳр-муҳабbat туйғуси кучли бўлган инсонларнинг юраги энг асосийси кечиримли инсонлар ижобий кайфиятга мойил бўладилар.

Бундай одамларда табиийки келажакка ишонч ва умид баҳтли ҳаётга интилиш ҳисси ҳам барқарордир. Инсонлар орасида ногиронлар жамиятимизнинг ажлармас бўғими ҳисобланади, соғлом инсонларга нисбатан қалб туйғуси, очиқ нурли чеҳрали соҳиб ва соҳибалари ҳаётдаги турли тўсик, муаммоларни қийинчиликсиз енгигиб ўтишга қодир бўлишади. Улар тўрт мучаси соғлардан кўра кўпроқ шукур қилишни биладилар, чунки ҳаёт моҳиятини теран англай оладилар ва кўра билишадилар. Яна ҳам қизифи, яшашнинг қадр-қимматларига улар кўпроқ етадилар...

Биз одамлар ҳаётимиз давомида, асосан нимадан қийналамиз, дардимизга қўмилиб азият чекамиз, энг бебаҳо бойлик — соғлиқни бой берамиз?. Шу пайтдагина соғлом инсонлар мен кабиларини кўз олдиларига келтириша олармikan. Ҳаёт бор экан икир-чикирлари, ён-атрофдагилар билан ўзаро муносабатлар, қалбимизга ин куриб олган салбий ҳиссиётлар туфайли эмасми?

Салбий нигоҳлар ва ҳиссиётлар бу инсонларнинг бир-бириларига бўлган беътиборлик, беписандлик, бемехрлик, оқибатсизликнинг асл нусхаси, ўзгаларга эрк бериб бошқаларга бино қўядиган киши. Одамлар салбий ҳисларни ўзига жо қилиб олганки, ҳаётимиз турмуш қийинчиликлари шуни тақазо қилаяди деб ўзига эрк беришидан ҳам тоймайдиганлар атрофимизда изғиб юрибдилар.

Аммо... одамлар самимий, кўнгли очиқ диллар лағзаларга буркаб хушнуд қиласидан, дардлиларнинг вужудини қўнглим сезаяти, бизларни ҳам соғлом одамларга қўшиб сиз соппа-соғсиз деган очиқ чехраси қалбларни жумбишларга солади. Бу «очиқ чеҳралик инсонлар самимийлигининг бир омилли» дегани! Демак, биз умрбод бир-биримиз учун мурувватга буюрилганмиз. Очиқ чеҳралик бизнинг фарз амалимиздир. Очиқ чеҳра ва табассум инсонларга хос бўлган кўркам фазилатларнинг бири.

Унутмасман шифокорим Саламат Бегалиевни:
Шириң сўзли, очиқ юзли, дардларимга даводир,
Чеҳрангдаги табассум, менга берган шифодир
Кулган кўзларингиз меҳригиёҳ каби даводир.

Мен мазкур сатрларни бежизга ушбу тўртлик билан бошламадим. Чунки, бир оғиз шириң сўз тушкунликка тушган ҳар қандай инсоннинг руҳиятини кўтариб, унга хуш кайфият

дардига шифо бахш этади. Шунинг учун ҳам ширин сўз қудрати ҳаёт билан умри боқийдир, деб бежизга айтилмаган.

Дарҳақиқат, тўртликнинг илк сатридаги ширин сўзининг давоси деган ибора тиббиёт ходимларининг касбига муносабати, ахлоқ-одоби, шунингдек, шифокор ва bemorlar ўртасидаги турли муносабатларнинг асл моҳияти бўлиб, бу тиббиётимиз тилида деонтология деб юритилади.

Юқоридаги фикрларимни англаган бўлсангиз, ушбу мулоҳазам менга ҳаёт билан курашишга ундан, ҳаёт фақат дарддан эмаслиги онгимга сингдирган камтарона очиқ чехрали инсон менинг ҳаваскорларимдан бири Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг (РШТЁИМ) Нукус филиали бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, нейрохирург Саламат Мақсетбаевич БЕГАЛИЕВ.

Бу очиқ чехрали самимийлиги мени таажжубга солди, болалигимдан ногирон бўлган боис жуда кўплаб шифокорларнинг хузурларга дардли қалбимга нажот излаб боргандим. Назаримда, ҳар бир яхши шифокорларнинг заҳматли меҳнатларидан эл дардига хузур топа олиши бундан ортиқ бўлмаса керак? Нега бир хаста одам шифокорни бирор мақтаса, дардига шифо дамларини излаб топгандек севинишган. У инсон ҳар бир одамларни ким бўлишидан қаътий назар алоҳида, кўтаринки кайфият билан қабул қилмоғи, яхши мулоқотда бўлмоғи ва ниҳоят очиқ чехралигини сўзларидан илғоб олдим.

Ҳамма bemorlar ҳам меҳрга, эътиборга муҳтож бўлади. Шифокорларнинг очиқ чехраси укол-доридан кўра, қобулига келган bemorlarнинг "Аллоҳим шифосин берсин, тузалиб кетинг", деган юрагидан чиққан ҳар бир гапларидан куч олади. "Яхши эканман-ку, нега ўзимни беҳол сезадилар". Тўғриси, одамларнинг гапи, далласи билан қалбига катта бир умид боғловчи ипидур.

Мен у кишига жудаям ҳавас нигоҳим билан қиё боқаман халқ саломатлигига юрган бағрикенг фидойи, дардли инсонларнинг дардини менинг ҳам дардим, бутун умрини халқ саломатлиги йўлида бахшида этиб келаётган инсонларнинг бири.

Ўзининг камтар, самимий, очиқ чехра, меҳрибон, меҳнатсевар ва жонкуярлиги билан инсонлар қалбининг тубидан жой олиб ўлгирган шифокорим Саламат Бегалиевнинг ҳаёти, камторана меҳнат фаолияти тўғрисида қанчалар гапирсамда озлик қиласверади.

У кишининг одамийлик ва инсонпарварлик фазилати доим хурмат-эътиборда, эл оғзидан тушмайди. Тиббиётнинг сиру-синоатларини юқори чуққиларига олиб чиқишингиз учун улкан зафарлар, муваффақиятлар эл-юрт саломатлиги йўлида сидқидилдан, фидокорона хизмат қилишингиз ва самимий исмига мос буюк мутафакир инсонларнинг сафларидан жой олишини ўзига ва элига содиқ шифокор бўлишига шах шубҳам йўқ.

Халқ саломатлиги учун мардлик ва шижоат кўрсатиш, ютидаги жамийки одамларнинг соғлиқларини тиклаш – энг олижаноб инсонлар жасоратидир.

Унүтилмас күн



Тақдир тақозосими ёки ҳар бир кишиларнинг ҳаётдаги синовларими билмадиму, менимча ҳаёт үқилмаган китобга үхшайди уни ҳар ким ўзи варақлаб чиқиши умрингизга берган саҳифаларнинг турфа хили. Ҳаёtingизни ҳар бир ўткан дамларини мароқ билан варақлар экансиз яхши, ёмон, ғамли, ташвишли, дардли, қувончли, онгларингиз кўз олдингиздан шамол юзларингизни майин силаб ўтади.

Ҳаёт китобимнинг қайси саҳифасида ёзилганини аниқ билмадиму, тақдир чархпалагини пирпир айлантирилган экан кимларгадур соғлик, илм, бойлиқ, мансаб, обрў ҳадя этади экан лекин кимларгадур буларнинг акси бўлар экан.

Тақдирнинг ўзига хос саҳифасими ёки ҳаётий имтиҳонми билмадиму, мен болалигимдан II-туруҳ ногирони Авезов Саламат Юлдашевич 27-июль, 1983-йили Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри Амет ўғли Юлдашнинг оиласида туғилдим. Ташхисим ДЦП – (Детский Церебральный Паралич) БЦФ –(Болалар Церебрал Фалажи).

Инсон боласи дунёга келар экан, у мустақил ҳаракатланиш, юриш, ўқиши ёзишдан бошлаб табиат ва жамиятнинг барча мураккаб қонунлари билан юзма-юз келганда нималар қилиш кераклигича ўргатилади, ёки бутун маҳсус ўқитилади. Шу билан бирга умримизнинг ярмидан кўпини қамраб оладиган, ҳаётда чинакам тўлақонли инсоний баҳти инъом этадиган ёки ҳар томонлама интилишимизни рағбатлайдиган бизнинг келажагимизга, баҳтимизга қанот бўладиган бу – оиласи ҳаётдир.

Оиласида 8 киши бўлиб яшаймиз дадам, ойим, икки сииглим, бир укам бир жияним ва келиним. Ота-онам ўрта маълумотли оддий ишчилар оиласи.

Ҳа, ота-онанинг бу покиза сувратли беғубор сийратли инсонлар, уларнинг муқаддас номларини қалб қўри билан тилга оламан. Ҳамиша эҳтиромимни дариф тутмайман, самимий сўзларим билан ёндашаман.

Болалик даврим асосан уйда ўтган, ҳамма нарсаларга қизиқишим атрофимдагилар ғайрат билан қарави нимагадир интилаётганимни ҳис қилишарди. Бир ёшимга тўлган пайтларимда ҳамма қатори чечак отмоқлик насиб этмади чоғи бир қадам ҳам юра олмас эдим. Аёнки, мен каби болалар ва қизларда тилларида ҳам нуқсони бор.

Ота-онам ҳар доим ўқитиришар эди. Ўғлим бу сенинг айбинг эмас, ким касал бўлишининг аҳамияти йўқ оиладагиларнинг ҳаммаси ёрдам беради жуъратли бўл. Дунёда ҳар хил инсонлар бор, улар орасида сенга үхшаб яхши юролмайдиганлар, гапирмайдиган ёки кўзи ожизлар ҳам бор.

Яна бир мисол ўқишга, спортга қаттиқ қизиқадиган одамлар ҳам етарли, ёки қойиллатиб расм чизадиган мусавирлар, ёзувчилар, олимлар, ишчилар, бобо, бувилар, ота-онамга, ака, амма, хола, тоғалар ўз касбини сидқи дилидан севадиганлар ҳам бисёр.

Ана шу одамларнинг ҳаммаси биргалиқда жамиятни ташкил этади. Шу ота-онамнинг айтган панду насиҳатлари ҳалигача эсимдан чиқмайди. Менга қандайдир илоҳий куч бағишилайди. Ота-онамдан бир умр миннатдорман.

1987 – йил Москва шахри Таянч ҳаракат қилиш тизими бузилган ногирон болаларни соғломлаштириш республика марказига олиб бордилар. У ерда тенгдошларим билан даволандим. Ҳаёт мўжизаларга турфа хиллиги билан ажралиб туради. Аллоҳнинг берган шифоси билан раҳматли бувим, онам ва оиласминг бағрига ўз оёқларим билан келдим. Ҳаётимдаги ҳеч унутилмас қунимнинг бирлари ота-онамнинг ғам чеккан қунларини ҳеч унутмасман, фарзандлар эса унинг номи билан фахрланиб юрсинлар.

1992 – йили Қорақалпоғистон Республикаси Давлат Таълимига қарашли Нукус шаҳридаги №32 сонли ўрта мактабида 10 йил таълим олдим.

1997 – йили Қорақалпоғистон Республика ногиронлар жамиятининг ўкув ишлабчиқариш корхонаси. Компьютер саводхонлигига ўргатиш курсида ўқиб «Оператор ЭВМ» шаҳодатномасин олдим.

2002 – йили ўрта мактабни экстернат йўли билан муваффақиятли тугатиб 11 синфнинг шаҳодатномасин олдим.

2000-2002 – йиллар Қорақалпоғистон Республикаси Давлат Таълимига қарашли Таълимни ривожлантириш ва инглиз тилини ўрганиш маркази «Прогресс»нинг шаҳодатномасин олдим.

2002-2004 – йиллар Қорақалпоғистон Республикаси Давлат Таълимига қарашли Таълимни ривожлантириш маркази «Прогресс» Бизнес мактабига ўқишга кириб «Иш юритувчи инглиз тили ва бизнес асослари» мутахассислик дипломини олдим.

2004 – йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва IATP/IREX ташкилоти ҳамкорлигига «Ўзбекистон мактабларида интернет» дастурининг №57 сонли Интернет ўкув Марказининг кўнгиллигиси бўлиб ишладим.

2005 – йилдан буён Ўзбекистон «Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши аъзоси. Қорақалпоғистон Республика «Ногиронлар» жамиятининг кўнгиллигиси бўлиб ишладим.

2006 – йили «Келажак овози» Республика ёшлар танловида иштирок этиш учун анкета топширдим ҳаётимда биринчи марта бундай катта танловда иштирок этишим эди. «Ахборот коммуникация ва технологиялари» номинацияси веб-дизайн тоифаси бўйича қатнашиб янги веб-сайт яратдим. Бу веб-сайт Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг шахсий веб-сайтини яратиб Қорақалпоғистон Республикаси саралаш босқичида III-уринни олиб Республика босқичига иштирок этиш учун йўлланма олдим.

Минг афсуслар бўлсинки ҳаёжонли дақиқалар ҳам етиб келди ғолиб бўлган тенгдошларим орасида менга жой йўқлигини ҳис қилдим ҳа, бу танлов кимларгадур ғолиб бўлиш насиб этади, кимларгадур насиб етмайди. Мен ҳеч ҳам кўнглимни чўқидирмадим худо хоҳласа келаси – йили ғолиб бўламан деб ўзимга сўз бердим.

«Келажак овози – 2007» танловида қатнашиб Қорақалпоғистон Республикаси саралаш босқичида II-урини олиб Республика босқичига йўлланма олдим мана шу йил мен қаттиқ тайёргарлик кўрдим тиш тирноғим билан курашаман деб аҳд қилдим. Мана шу йили «Келажак овози» танловининг ғолибликни қўлга киритганлар имтиёзли тарзда олий ўкув юртига қабул қиласи деган қарорни эшишиб жуда ҳурсанд бўлдим.

Менинг бу дунёда бирдан-бир орзуйим мен ҳам олий ўқув юртига кириб ўзимнинг мутахассислигим бўйича таълим олсан бу ҳаётда ўзимнинг ўрнимни топсан мустақил она ватанинга ўзимнинг оз мунча бўлсаям ҳиссамни қўшсам баҳтли ҳис қиласар эдим.

Менинг билан тенгдош ёшларни кўрсан жуда ҳавасим келади ўзи танлаган касбни эгаллаб мустақил она диёрига ўз ҳиссаларини кўшаяпти. Зеро давлатнинг пойдевори мустаҳкам юртнинг келажаги буюк бўлур.

Республикамизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга катта эъбор берилиб келинмоқда. Бу борада туман, шаҳар, Республика миқёсида ҳар хил кўрик-танловлар ташкил қилиниб ғолиблар муносиб тақдирланмоқда.

Мен ҳам шулар жумласидан 2007 – йил «Келажак овози» Республика танловининг «Ахборот ва коммуникация технологиялари» номинацияси веб-дизайн тоифаси бўйича Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергеновнинг шахсий веб-сайтини яратиб «Келажак овози – 2007» Республика босқичининг ғолибликтини қўлга киритдим.

2007 – йилдан бошлаб «Келажак овози» ёшлар ташабbusлари Маркази IT Club Ахборот Технологиялари йўналишининг фаол аъзоси.

2008 – йил Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали «Ахборот Технологиялари» факультетига имтиёзли асосида ўқишига қабул қилиндим.

21-июнь, 2012 – йили Тошкент ахборот технологиялар университети Нукус филиали «Ахборот Технологиялари» факультети 4 курсни муваффақиятли Диплом ҳимоясини қилдим. Ҳаётимдаги ҳеч унтуилмас кун сифатида жой эгаллаб қолди десам муболага бўлмас эди.

Самимий инсонларнинг, самимий чеҳраси



— «Биродарингга самимий чеҳра ила юзланиш билан ҳам яхшилик қил» деган жумлага эътибор қиласайлик. Аслида самимий инсонларнинг катта-кичиги бўлмайди. Лекин буюги бўларкан. Орамизда ана шу буюк инсонийликка хос соҳиб ва соҳибалари бор. Ёнимда камтар ҳаёт кечириб, ҳалол меҳнат қилиб қўллари меҳнатдан толмаган кишиларнинг бири.

— Яхши кишилар атрофдагиларнинг изидан боради, қариндошларини хурмат қиласади, фарзандлари, укаларини тарбиялади, қариндош-уругларига меҳроқибат ва диёнатли бўлади. Булар бобомнинг меҳри ва умид билан қалбига эккан маънавият уруғининг янги меваларидир.

Авезов Мамбетсали 1949 – йили 18-январь куни Нукус шаҳри оддий ишчи Аваз Амет ўғлининг оиласида туғилган. Мамбетсали отам менинг энг қадрдан инсонларнинг бири, бағриларига босган пайтларида, негадур вужудим бошқача бўлиб худди соғлом инсон каби ҳис қиласман гўё ўзимни. Шу каби инсонлар оламда кўп бўлса, ўйлайманки атрофимда меҳрибон одамларнинг самимий чеҳрасини англашимга сабабчи бўлади.

Ота-онага меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, фарзанд тарбияси ва оиласа садоқат масалалари га алоҳида эътибор берилган. Кишиларни яхшилик қилиш, савоб ишларга кўл уриш, инсофли-диёнатли, вижданли бўлиш, меҳр-шафқатлилик, тўғрилик, ростгўйлик, соғдил бўлиш, биродарга ёрдам бериш, камтарликка чақириш билан ажralиб туради. Ота-онам ҳар доим шурларни қалбинга жойлаштиранг ҳеч қачон ҳаётда қоқилмайсанг дейишарди.

Ота-онам ҳақида катта бир китоб ёзишга арзийди. Ута ҳалол ва меҳнатсевар инсонлар эди. Эсимни таниган пайтим отам ҳар бир хонадоннинг пойдеворини, печларини қўриб, уйларини оқлаб берардилар. Эртаю кеч қўлларидан ғишт тушмасди иш билан банд бўлардилар.

Дадам Хоразмлик, онам Тўрткуллик бўлишган. Оилада икки фарзанд улғайдик. Опам Зилайҳо Аметова 1940 – йил Хоразм вилояти, Хонқа тумани туғилган. – Менинг севимли бувижоним онамнинг меҳрибон онаси бўлади. Опам ўрта мактабни тугатиб уйда ўтирган. Дадам оддий сувоқчи ҳаммамиз учун ишладилар.

1953 – йили «Ҳақиқий ҳаёт инсонни жуда тез улғайишимиға мажбур қилди», у пайлари эса эндиғани 4 ёшимда эдим. Булар – болалик хотираларим дейди кўзларидағи ёшларни мендан астагина бекитиб. У дарс тайёрлаб ўтирган, 13 ёшли опасининг ёнида ўтириб, мактабга бормай турибоқ саводини чиқарди.

1956 – йили унининг ўқишига бўлган ихлоси, интилишлари 7 ёшида Нукус шаҳридаги Қирқ йиллик ўрта мактабида ўқишига бордим. Шаҳримизда биттагина бошланғиши мактаби эди. Аъло ўқишим ҳаётга умид билан қарашим сўнги вақтларигача ҳеч ёдимдан кўтарилемайди.

Шу пайлари ўқишининг, қадринг нақадар улуғланганидан чексиз билим олиш уммон каби бўлоқ эканини ўқиш ва билим учун берилган катта имконият эканини ҳис қилдим.

1958 – йили учинчи синфи мұваффақиятли тугатиб, 4-синфида таҳсил олиб юрган кезларим дедида да бир муддат суҳбатимизга сукунат чуқди.

1959 – йили эди. Онам раҳматли қаттиқ бетоб бўлиб ётиб қолдилар мен 10 ёшимда оламдан ўтдилар. Аллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин.

Ўзи аслида оиласизда бола фарзанд дунёга келганида. Биласизлар, шу йиллар жуда оғир бўлган. дадам моҳир сувоқчи эдилар. Тақдир тақозоси билан оиласиз уйсизлик, ижарама-ижара кўчиб юришлар.

Кейин дадам Нукус шаҳри, Ўзбекистон кўчасида ерни сотиб олганларидан сўнг дадам ўз қўллар билан З хонали шинам қилиб қўрдилар, шаҳарга кўчиб ўтганмиз. Уйимизнинг ёнида "Турон" стадиони бор эди. Болалик йилларим тенгқурларим билан тор тупроқ кўчаларда тўп тепардик.

Дарвозаларимиз тош ва кесаклардан иборат бўларди. У пайларда ҳозиргидек шароитлар қаёқда дейсиз. Ялангоёқ футбол ўйнардик. Тўпларимиз ҳам резинадан бўларди. Футболдан ташқари чиллақ, ланка, ёнғоқ каби миллий ўйинларимизни ҳам эсдан чиқармасдик. Кейин ўйлаб қарасам, ланка ўйинининг футболга катта фойдаси бор экан. Ланка ўйнаш орқали тўпни "жонглёр" қилишни ўрганардик. Энди урушдан кейингги даврлар жуда қийин бўлган. Ёш бўлсак ҳам ота-онамизга ёрдам берганмиз.

Олдин, ижарама-ижарада яшаган пайтларида на газ, на электр энергияси, на сув таъминоти муҳайё эмасди. Бир тонгача кўмир ташиб ўттин териб юрган кунларим бўлган. Бир чақирим узоқлиқдан сув ташиб келардик. Бир сўз билан айтганда, болалик йилларим меҳнат ва қийинчилиқда ўтди. Юқорида айтдим, уйимизнинг ёнида "Турон" стадиони бўларди. Бу жамоанинг уй учрашувларига минглаб томошабинлар келган. ҳамон кечагидек ёдимда.

Дадам раҳматли ҳар кимнинг уйларининг печларини ишлардилар. Мени ҳам ўзлари билан бирга қурилишга олиб кетардилар. Ўша пайтда 14-16 ёшларида эдим. Вазият тақозоси оиласи шароитдимга ёрдам беришим лозим эдим. Шунча иш орасида ҳам футболни унутиб қўймадим. Кейин дадам янги оила қўрдилар ҳаётинда ҳар доим йўлдошинг бўлсин деб исм қўйиди Юлдаш 1961 – йил укам туғилди.

— Шу ўринда шуни айтиб кетишим жоизки Юлдаш бу менинг дадам ҳам дўстим сирдошим бўладилар. Шундай энг катта натижаларимга эришимга дадам, ойижоним ва Мамбетсали отамнинг меҳнатлари беқиёс чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

Мактабни 1966 – йили 10-синфин тугатиб. Ўрта маълумотли 1966 – йили Нукус Автомобиллар йўллари техникуми. "ТОР – Технический обслуживающий ремонт", "ТХК – Техника хизматлар кўрсатиш" бўлимида таълим олдим.

1969 – йили аъло баҳолар билан техникумини муваффақиятли тугадим. Ҳозирги Автомобиллар йўллари касб-хунар колледжи.

1969-1972 – йиллар Россия Федераль Республикаси, Москва шаҳрида хизмат бурчимни бажариш учун ҳарбий хизматни ўтадим.

— Отамнинг фикрича, ҳар қандай ҳақиқий йигит кишиси армия сафларида, ҳарбий хизмат бурчини бажаришда, она ватан ҳимояси қалқони бўлиш ҳар бир фуқаронинг фарзандлик вазифаси.

Автомобиллар йўллари техникумiga ўқишига кирганда буён ҳаёти техника соҳаси билан чамбарчас боғлиқ.

1973 – йил «Ўзқишлоқ курлиш техникаси»га ишга келганида, фақат трактор, комбайн юк мошин, пахта териш машиналарнинг анжонлари ҳар хил ускуналар билан вилоятимизнинг барча деҳқон хўжалигидага машиналарни керакли анжонлар билан таъмишлаш мақсадида техник-механик бўлиб, деҳқонларга керакли бўлган трактор, комбайн машиналари билан далаларни сўриши, сувғориш ишга туширишда бевосита иштирок этди.

Мутахассис етишмаслиги боис, ҳар хил лавозимларида ишладим, баъзан ҳатто, кечалари тракторларнинг чироғини ёқиб далаларда ишдан чиққан мошинларнинг анжонларни ҳам янгисига олмаштиришга тўғри келган кунларим бўлган. Далалардан уйга келиб кечасию қоғозларни титкилаб, тонг отганини сезмай ҳам қолардим.

Шу пайтда дадамнинг менга берган насиҳати юрагимнинг тўрида жой эгаллаган десам асло муболаға бўлмас эди. «Ҳаётда ҳар қандай ҳолатлар, кунларга рўпара келасан, шукр қил болам, шукр қил. Одамнинг чин дилдан қилган меҳнати бесамара кетмайди» дея гапини илиб кетардим. Ҳалол меҳнат, фидойилик, касбга садоқат бир кун ўз сўзини айтар, мевасини берар экан.

Болаларим ҳаёт йўлини ўзлари танлашди. «Ҳеч бирин мана бу касбнинг эгаллайсан» деб мажбуrlасам бўларди, лекин бу – хато. Мен уларнинг қалбига қараб иш тутишга унадим, ҳаётнинг сир-синоатларини онгига уқтиридим.

Қайси соҳасида бўлмаса ҳам ўз касбининг мутахассис. Ажаб эмаски невараларимнинг бири менинг касбимга меҳр қўйса, у кун келиб менинг ковушимни кийса.

Худога шукр, оддий меҳнат оркали ҳалол ризқ топдим!. Умр йўлдошим билан икки ўғил, бир қиз фарзандларимни вояга етказдик. Уларни бирдек ўстирдим, уйли-жойли қилдим. Саккиз нафар набиранинг бобосиман. Улардан тўрт нафари ўғил.

Ҳозир аёлим билан кенжা ўғлимнинг қўлларида невараларга насиҳатгўй бўлиб, эл-юрт ҳақига дуолар қилиб хотиржамлиқда яшаемиз.

Инсон қаноатли бўлса, меҳнат қилса, ота-онаси дуосини олса, кам бўлмайди. Икки дунё саодатига эришади...

Қалби қирра, кўзи очиқ инсонлар



Инсоннинг ҳулқи чиройли бўлиши учун аввало, унинг қалби пок ва вужуди тоза бўлиши лозим. Чунки, қалб инсон жасадининг подшоҳи, қолган аъзолар унга тобеъдир. Агар қалб кўзи қирра бўлса, қолган аъзолари ҳам зимиё, агар кўзи очиқ бўлса барча аъзолардан нопок амаллар содир бўлади.

Одамийлик фозилатлари бирордорликнинг бир қанча функцияларни бажарадиган ижтимоий ҳолатларга таққозлашимиз мумкин. Бу функциялар ичida муайян бир илоҳий куш доирасида мустаҳкамланган бир-бириларига, ишонч, умид тизими асосида дунёқарашни шакллантириш функцияси ҳам бор деб таъкидлайман.

Кўзи очиқ қалби пок инсонлар бобо-момоларнинг изидан боради уларнинг меҳнатини қадрлайди, ота-боболарнинг касбини меросим деб давом эттирилади. Ота-онасининг қолдирган яхши номни фарзандлари ахлоқи ва одоби, ҳалол меҳнати, эл ўртасидаги хурмати, обрў-эътибори билан улуғлайдилар, руҳини шод қиласидилар.

Қалби қирра инсонлар эса уларнинг акси бутун вужуди худди ўчоқдаги ўтин аста-секин кул босгани каби бўлади. Агарда ён-атрофимиздаги юраги қора қалб қирра одамларга терангроқ назар ташлайдиган бўлсак, табиий уларнинг қалби қора тутунларга, ён-атрофдагиларга кўз олайтирадиган каби, бошқаларгаям ўз таъсирларини ўтказишларини истайдилар турли носоғлом қирра қалбли одамлар мавжудлигини инкор этолмаймиз.

Оиламдиларнинг ҳаммаси китобхон оиласи, айниқса менинг меҳрибон онам кўп муталао қилувчилар сафларидан ўрин эгалайди. Онам ҳар доим қўллиндан китоб тушмасин бу сенинг қалб қўррин келажак чирағин нуру қўёшинг деб ҳозирги пайтгача таъкидлайди.

Шу боис Ўзбекистон халк ёзувчиси, Тоҳир Малик қаламининг ҳар бир нуқтасигача маърифатга, маънавиятга зиё нурини чароғонга етаклаб китобхонларнинг кўнгилларини

манзур қилиб менинг зиё истовчи қалбимнан жой эгалаган ёзувчиларнинг бири ҳисобланади.

Ҳар бир сатр ва мулоҳазангиз жуда таъсирли қилиб ифодаланган буни ўқиган киши таъсирланиб кетадики ва бир дақиқа сукунат сақлайди деб ўйлайман гүё.

Инсонларнинг қалб қирри, ҳаёт тарзи, ҳаётта бўлган ишончи уларнинг эзгу ниятлари ва фаришталар каби яшashi мени ички олами, кўзи очиқлиги ёки қалби қирралари қизиқтиради. Уларнинг хаёли армонлари келажагига қараб талпинишлар, интилишлари ижодига бўлган муҳаббати ихлосу ва садоқати.

«Одамийлик мулки» китоби қалбимнинг туб-тўридан жой эгаллаб ҳаётимнинг ҳар дақиқасини ўзгартириб, мана шу руҳият оламига яъни бошқа бир оламга олиб кирди десам асло муболага бўлмас эдим. Китобдаги қаҳрамонларининг ҳаммаси ўзига бир оламни кашф этади, уларнинг орасида бутун одамийликнинг қиёфаси аниқ акслантирган. Қалб масалаларига доир бир қанча рисолалар ёзганлар.

Донолар демишларким: «Сен ўзингни кўрмоқ истайсанми? У ҳолда кўзгудаги ташқи қиёфангга эмас, ичингдаги кўзгуга боқ..» Биз эса... қунда неча бор кўзгуга қараймиз.

Қалбимизга-чи?

Қалби очиқ чехра сиз билан учрашаётган одамга ҳам сурур бахш этади, меҳру-муҳаббат уйғотади, қаршингиздаги одамнинг ҳам қалби равшанлашади, кайфияти кўтарилади (тажриба қилиб кўрсангиз биласиз). Агар ногирон инсонларга қовоғингиз солинган нигоҳингиз билан совуқ муомалада бўлсангиз, одамлар сиздан ўзларини олиб қочадилар, сиз билан ўтириб ҳам, сухбатлашиб ҳам роҳатланмайдилар.

Очиқ чехра, қалбнинг юмшоқ бўлмоғи эса бу дардга даводир. Ҳақиқатдан ҳам шу каби одамлар атрофимизда камдан-кам учрашадилар. Шунинг учун ҳам одамлар қалб қирра касаллигига мубтало бўлганларга ғазабни келтирадиган, асабга таъсир ўтказадиган ишлардан узоқ бўлмоқликни тавсия этадилар, чунки бундай ҳолат касалликни янада зиёда этади. Кўзи очиқ ва чехрали, табассум эса бу касалликка барҳам беради. Ўзингиз малҳам қўйишингиз мумкин. Мен ўзгалардан ён-атрофимдагилардан, қориндош уруғлардан тоза қалб эгалардан шифо сўрайман.

Соғлом бўлишнинг ўзи катта баҳт



Инсонга тортиқ қилинган сезги аъзоларини ҳар бирининг ўз вазифаси бор. Кўриш, таъм билиш, ифорни тушиб, эшишиб, гапишиб... Агар уларнинг бирортаси бўлмаса ёки меъёрида фаолият кўрсатмаса, дунё қўзимизга қоронғу қўринади.

Мен соғлом инсонларни кўрсам, дилларидан равон чиқаётган сўзларининг тилларига кўчираётган инсонларга ҳар гал чинакам соғломлигига ҳавасим келади. Аёнки, тилида ҳам нуқсони борлар жамиятнинг энг охирги қаторларидан ўрин эгаллаши табиий хол.

Уларнинг ҳар бирининг ўз жойлари алоқида бекиёсликни кашф эттирилади. Агар шу дард менда бўлмаганида эди, мен ҳам шулар қаторларидан

жой эгаллаган бўлардим, балки ўзгаларнинг кўмагисиз мустақил ҳаракатланишга, ўз фикримни билдиришга бошқалар билан дилдан сухбатлашишга эришган бўлар эдим.

Нега мана мен деган соғлом ҳам уддасидан чиқа олмаган ишларни улар яъний мен каби ногирон қойилмақом қилиб бажаради? Тўрт мучасида нуқсони бўла туриб ҳаёт деган майдонига тушиш, барча ғам-ғуссани унугиб, бир лаҳза орзуладига қўмилиб умр гулшанидан баҳро олиш, руҳон соғлом инсонга айланиш қанчалик мушкуллигини ўз-ўзидан аён.

— Ҳар доим ҳаётга бўлган аниқ мақсадим бўлган. Мана шу мақсадим тақдирим шамчироғига айланиб қолди. Тўғриси, бу сўзларни юрақдан айтиётганимда менинг кўзларимга ҳам эсиз кетган бир олам орзуладим, чорасизлик, ҳам шукроналик ҳиссини ҳаммалар ҳам пайқаш имкониятига эга эмаслар.

Бундай вақтда одам ўзини тез ўнглаб олиши, матонатли бўлиши осон эмас албатта. Ҳар қандай бемаъни ўй ҳаёллар, руҳий зўриқиши кишини ютаман дейди.

БЦФ – (Болалар Церебрал Фалажи) – давоси йўқ касаллик бўлиб атрофимдагилар кўпчиликка аён. Яқинларимнинг маҳзун нигоҳи баттар қийнайди, қалбим ачиниш ҳиссини сезаман.

Қанчалик машаққатли бўлмасин, бундай қисматга бош эгиб яшаш учун курашиш кераклигини тушуниб етиш учун кўп фурсат керак бўлди. Менинг меҳрибон ота-намнинг далдаси илоҳий куч баҳш этди. Ташқи дунё билан таққослагандан энди ҳаёт доираси тароқ кўринияпди. Лекин шунда ҳам кўп нарсадан бебаҳра қолмайман ва шунга ҳаракат қилишдан чарчамаслик лозим. Бу касаллик баҳтсизлик эмас, бор йўғи ноқўллайлик ҳалос.

Шу ўринда мактаб чоғларимда синфдош, маҳалладош дўстларим билан сайд қилишни дилдан сухбатлашиб юришни улар билан баробар майдонда bemalol югуриб-юругиб футбол, баскетбол, волейбол ўйнашни уларнинг сафларида бўлишига ҳаракат қиласан эдим.

Лекин, қоқилмасдан қандай қилиб юрай бошқаларнинг нигоҳини қандай қилиб чалғилтади, шулар ҳақида қайта-қайта ўйладим. Ундан ташқари тилим оғир қандай қилиб?, нима қиласай?, кейинги пайтлари инсонлар билан мулоқотга киришиб кетиш сўзларимни тушунтириш қийинроқ бўляяпди, жудаям мушкуллик туғдираяпди.

Менгаям равон гапиришларим насиб қилармикан, қани энди кичкина бўлсаем умид учқинини кўра олсам, буёғига қандай қилиб одамлар билан мулоқотга киришиб кетаман, мана шу дард сабабли бутун келажагимга тўсқинлик қилаётгандек. Бу ҳақида кўп ўйладим, лекин қанчалик қайғули бўлмасин бу борингки ҳақиқат.

Ҳар қанча ҳаракатларимни қилсан ҳам барибир, бу дардимдан қўтила олмайман. Энди ҳар қандай вазиятларда ҳам ортқа қайтган тақдиримдаям вақтни сўролмайман. Шунинг учун ҳам ўзимни қандай ҳолатда бўлишимнан қаътий назар, боримча қобул қиласан.

Оилам атрофимда бўлган вақтида менга улар қанчалик ғанимат эканлигини ота-намнинг меҳрибон табассумларини кўрсан, айрим қориндошларимнинг қўллари шунчалар илиқлигини ҳис қиласан. Соғликга келсак шунчаки соғлом бўлишнинг ўзи ҳам катта баҳт экан.

Бу дарднинг пайдо бўлиши нафақат соғлом одамни балки жисмимни ҳам йўқолишимни англатади. Энди мана шу дардни, шу танамда кўтариб юраман ўзимга ишонган ҳолда. Шу ҳаётий йўлларидан ёруғлик топишимни жудаям хоҳлайман.

Айнан шу дардимга ёлғиз сиз, ўзингиз малҳам қўйишингиз мумкин. Мен ўзгалардан, бошқа қалблардан шифо сўролмайман. Сизни топгунга қадар Яшадимми?.. Куляпсиз-а? «Жуда яхши яшаяпсиз» дедингиз-а?.. Топдимми?.. * * * ... топдингиз. Уч мисрали шеърни қаерда ўқидингиз? Ҳамманинг ҳаваси келадиган Сиздек соғлом одамга шундай кайфиятга тушса, бошқалар додини кимга айтсин?.. Ўзим юрган йўлимда уни беихтиёр такрорлайдиган бўлиб қолдим.

Дард – тақдир тақозоси билан ота-онанинг юрагида қўимилиб ётган орзу-истакларини фарзандлик бурчимни тўла-тўқис бажармаётганимдан хўрсиши ҳиссини сезаман.

Самимий сўзларимни оқ қоғозни қоралаб ёзишимга ўзимда қандайдир куч излашимга жазм қилдим, умуман ҳаётга бўлган соғлом ёндашувига ишонч комилликка интиллиб катта умид билан ёндошишнинг, ўзимнинг ilk тасаввуримда ногирон эмаслигим, тоза қалбли, ўқишга бўлган қизиқишим ва самимий бир инсон сафатида ўзимнинг аксимни кўра оламан. Тўрт мучам тўқис бўлмасам-да, ҳеч кимдан кам эмаслигимни қалбан ҳис қиласман.

Ёзувчи Асқад Мухторнинг «Қандай яхши, ҳамма учун яшаш!» деган мисралари бор. Шу сатрларида теран мавнога эга, ҳаёт мактабининг ҳар бир нози неъматларидан баҳро олиш, яхши яшаш учун курашимиздан ҳеч тўхтамаслигимиз зарур. Зоро, ўзимиз англаган ҳаётий ҳақиқатларни ўзгаларга ҳам сингдира билсак, одамларга эзгулик улашсак, умримиз саҳифаларини янгича бир мазмун билан бойитган бўламиз.

Бахтсизлик ҳам баҳт



Баҳт дейди баҳт борми ўзи ёки ёлғонми? У нима ўзи қўл етмайдиган армонми? Баҳтим деб инсонлар талпинади, қалбига чексиз қувонч тўлганида, баҳтли бўл деб тилакларни исҳор қиласди. Баҳтга эришиш, тилакларни бир мушдим юрагимизга жо қилиш мумкини. Баҳт бойлик ҳам эмас баҳт ҳам эмас. Баҳт деган пул ҳам эмас таҳт ҳам эмас. У бир ҳиссиёт пок юракларда уй қўриллади. Уни ҳис қиласан борда эмас йўқ да эмас.

Инсонларда шундай тушунча онгиларига жо қилиб олган. Ташқи гўзаллик ёки қалб гўзаллиги, мана шу жиҳатларини ҳам эътиборга олиш керак. Кенг умумлаштирилган ҳолда айрим одамлар ўзиларининг ташқи кўринишини баҳтсизликка рўкач қиласди. Ҳамма қатори соғлом эканлигининг ўзи қалб гўзаллигининг нишони эмасми.

Ўйлаб қаралса, дунёда «мен баҳтлиман» дейдиганлар жуда кўп. Аммо «баҳтсизман, пешонам қурсин, ногиронлик танғаси кўксимга тошдек қотган» деб нолийдиганларни ҳам баъзида учратиб қоламиз. Ахир баҳтсизлик ҳам баҳт эмасми. Нега шундай? Ўзимизни баҳтсиз ҳисоблашимизга «бир кам дунё» айборми ёки тобора ҳакалак отиб бораётган нафсимизми?

Эргаш БОБОРАЖАБ ижодида мазкур баҳт мавзу шундай қаламга олинадики, уларни санаб адогига етиш қийин. Шоирнинг қалб дафтаридағи нозик саҳифаларни аста-секинлик билан варақлай бошладим.

Баҳт бошқа, баҳтсизлик бошқа-бошқадир.

Бардавом, барҳаёт бўлмоқ бошқадир.

Бундан боқийликка борсак баримиз,

Барча бирдек бўлмас, баёт бошқадир.

Баҳт тушунчаси ҳар ким учун алоҳида мазмун касб этади. Айтайлик, кўзи ожиз одамнинг баҳти билан кўз нуридан айрилмаган, тилида нуқсони борларчи, Ях-ши раҳ-мат... — деб бош силкидиб қўявералардилар бир гапни равон айтиш одамнинг Ба-ҳт сўзи хузур бағишлайди. Соғлом одамнинг баҳт ҳақидаги тасаввур ва ўлчовларида катта фарқ бор. Тўрт мучаси соғ одамларга ҳавас қилиб ўтадиган ногиронлар учун тана аъзосининг саломатлиги ҳеч нарсага алишиб, ҳеч нимага тенглаштириб бўлмайдиган бир баҳтдир.

Бошқа баёт баҳтингни борини берар,

Беором баҳт бўлмас, барини берар.

Бани бандалар-ку бундан баҳтиёр,

Берилган бу баҳт учун барини берар.

Баъзи инсонлар кўриб ачиниш ҳиссини қалбинга туймоқлиқдан ўзга чоранг йўқ, кўча қўйда энди куртак ёзиб ёш ниҳоллардек ўсиб ўлғаётган йигит-қизлар спиртли ичимликлар ичиш, тамаки ва нос чекиш, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш сингари заарли одатларнинг оқибатида баҳтсизлик сўзини ўзларини оқлаш яъний қурол сифатида фойдаланишдан ҳам тоймайдиганлар бисёр.

Баъзи бирорларки баҳтсиз бўлишар,

Берилган баҳтга-да басир бўлишар.

Бундай бандаликдан бездиргил Барҳақ,

Бундайлар баҳт бўлса ботир бўлишар...

Аввало бу одатларни уни ўзлаштирган шахс бошқарса, вақт ўтиши билан заарли одатлар шартли равишда уни бошқаради. Яъни инсон ўзи-ўзини баҳтсизликдам ҳам маҳрум бўлиши тайин. Баҳтнинг нималигини ноқобил фарзандларининг меҳрсизлигидан азият чекиб, дардини бирорга айтольмай, юраги қон бўлиб юрган одамлардан сўранг-чи!

Дунёнинг роҳати ҳам кўп, азоблари ҳам оз эмас. Лекин инсон юксалиши не-не машаққат ва азоб ўқибатлар билан қаддини тиклаши шуларнинг бири.

Баҳтнинг нималигини билмоқчи бўлсангиз олти қатор мисраларини қалбингиздаги кундалик дафтар яъний юрагингизга ёзиб қўйишни ўзингизга жоиз деб билинг ва бошқаларни ҳам шунга баралла овоз билан ундей билинг.

Баҳт – инсонни юксалтиради.

Баҳт – қунларига кўрк беради.

Баҳт – умр лаҳзаларидан бирининг исми.

Баҳт – ҳодиса эмас.

Баҳт – маънавий эҳтиёж.

Баҳт – инсон қўнглиниң энг чиройли мулки.

Билмадим, менимча ҳаммаси инсон ўзи қандай ҳаётни, қандай йўлни танлашига боғлиқ, деб ўйлайман. Ўйлашимча инсон ҳамиша тўғри юриб, тўғри фикрласа, ота-онасидан, ён-атрофидагилардан намуналар олишса, ҳаммаси шунга боғлиқ бўлса керак.

Ҳеч қачон ўзи баҳлтлиман ёки баҳтсизман деб ҳисоблаши керак эмас! Шунинг учун ҳам, ҳаётнинг баҳтлигини, баҳтсизлигини юрақдан сезмайдилар.

Албатта, бу баҳт! Ҳаётимизда реаллик йўқ, ким учундир сиз баҳтлисиз, ким учундир ягонасиз. Ким сени баҳтлигини пайқashi эса, бу инсоннинг ўзига боғлиқдир. Мен ҳеч қачон, баҳтли инсонларнинг тақдири баҳтсиз бўлмайди, деган фикрга қўшилмайман!

Агар инсоннинг меҳнатсеварлиги ортида ҳеч нарса бўлмаса, ўша меҳнатсеварлиқдан бошқа жиҳати бўлмаса, шундагина у баҳтсиз бўлиши мумкин! Инсон, ўзига мен ногиронман, шунинг учун баҳтсизман деб, фикрлаб сингдирмаслиги керак. Чунки, ҳаётда ҳамма нарса ўзимизга боғлиқ.

Ким сени ногиронлигини пеш қилса, у одамларнинг бир-бириларига бўлган одамийлик фазилатларига боғлиқдир.

*Дунёда баҳтли инсон бўлиб яшасам,
Дардимнинг шифо дамларини кутсам.
Соғлом бўлайин деб интилсан зинҳор,
Йўқотмасдим ўша соғлик баҳтни,*

Мен ҳеч қачон ногирон инсонларнинг тақдири баҳтсиз бўлмайди деган фикрга қўшилмайман! Агар соғлом бўлсанг, сени шундай соғлом қилиб дунёга келтиргани ва вояга етказгани учун ўз онангга миннатдорчилик билдири, шундай яратгани учун Аллоҳга шукур қил. Лекин, инсон ташқи қўринишдан ташқари, ҳам қалбан гўзал, эътиқодли, аклли, яхши инсон бўлса бу катта баҳт!.

Бобомнинг меҳнатдан қадоқлаган қўллари. Салкам саксон беш ёшида...



Оила пойдеворини барбод қилиши эр билан аёлнинг баҳтли бардавом ҳаёт кечирилишлари учун бир неча омилларига чамбарчас боғлиқ. Уларнинг энг асосийси, шубҳасиз сабр, қаноат ва тинимсиз меҳнатдир деб меҳнатдан қадоқлаган қўли билан оқ оралаган қошларини оҳиста силай синиқ оҳангда ҳаётий ҳиқоясини бошлаб.

Оила мустаҳкам бўлиши учун ушбу баҳт қўрғонининг ҳар бир ғиҳти сабр кўшиб қорилиши энг асосийси меҳнатдан қочмаслик керак. Ҳар бир қилинган меҳнат киши руҳиятини сабр ва миттингдан жиловлай олади. Сабр тўла улкан қопни елканга ортмоқлаб юриши замираida катта меҳнат ётишини ҳис қилиш зарур. Оила қўрғонимиз узоқ вақт турмушнинг изғирин шамол ва ёмғирларида нурлаб кетмаслигини истасак, уни сабр аталмиш пойдевор устига барпо қилишимиз даркор.

— Биз инсонлар йиллар кетидан йилларни қувиб ёшимизга ёш қўшиб улғоётганимизни сезмай қолаётгандаймиз, ўз ташвишларимизга ҳаёт деган номни ўзларимизча гина қилиб

аксарият ҳолларда ён-атрофимиздаги кекса нуронийларимизни, отахону-онахонларимизни, бобожону-бувижонларимизни шу оламга келишимизга сабабчи бўлган буюк инсонларга бошқаларнинг назари билан қарашни биламизу.

Аммо.. ўз фарзандларимиз ва неваларимиз билан бўлиб ўз ота-оналаримиздан ҳол-аҳвол сўрашиши улар билан дилдан самимий сухбатлар қўришни унутиб қўйгандекмиз.

— Бу камчилик, менинг назаримда, ҳар бир оиласарда бор ҳисоб, фахрийлик гаштини сурсаларда ижтимоий ҳаётга мослашувларида биз фарзандлар қўллайликлар ёратиб беришимиз олий бурчимиз эканин айримизнинг ҳаёлларимизгаям келтирмаймиз. Бу борада оиласавий қадриятларимизни бир-бириларимизга меҳр-оқибат ришталари мустаҳкамлашида, зиёратчи ўзи учун ибрат ва сабоқларини олиб бошқаларга ўrnак бўлади, десам янглишмайман.

Ахир, жамиятнинг асосини турли касб згалари бўлмиш оддий инсонлар ташкил қиладику? Ишчи, дехқон, ҳайдовчи, ошпаз, сартарош, фаррош, дурадгор уста, чилангар, қоровул, этиқдўз ва ҳакозо касб эгалари сон жиҳатидан ҳам кўпчиликни ташкил қилсада, уларнинг ҳаётий тажрибаларини ўзларимизга маълум даражада намуналарни олиб ҳаётимиз учун қамраб оламаётгандек туюлади.

— Бобожоним ҳақида ёзишга жазм қилиб, салкам 85 ёшга яқинлашиб колган бир буюк инсон ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Мен шу ҳақда негадир ўйлаб юрардим.

— «Энг фаол фахрий инсоннинг бири» деб мендан сўраб қолсангиз, ҳеч шубҳасиз, аввало ҳаётимдаги қадрдан инсоним Ражаб бобом Оллоберганов исми-шарифини тилга олган бўларди.

— Нега десангиз, «у инсондан ўзимга керакли бўлган ҳислатларни жо қилиб дардимнинг шифосини сўзларидан малҳам сифатидан фойдалана ҳаётнинг ҳақиқатини теран англайман».

— Дарҳақиқат, шундай. Мен Ражаб бобомнинг ҳар сафар хонадонларига ташриф буюрган пайтларимда, у билан бафуржа чой устида янги тондирдан узулган нон сингари қайноқина ҳаётий ҳикматларни, ҳикояларни сўзлай сухбатимиз қизғин равища ўтади. Ҳаёт йўлига доир маълумотларни ҳар сафар сўзлаб бергани боис ёд бўлиб кетган, унинг ранг-рўйидан акс этиб турган тетиклигини, бардошлигининг сабабини ўзимча излайман.

Самимилик, беғуборлик болаларча соддалиги очик, қўнгиллилик, дилкашлик каби инсоний фазилатлар руҳий тетикликни, саломатликни сақлаб қолишида муҳим аҳамият касб этишини эслатгим келади.

— Ражаб бобом билан самимий сухбатлашар эканман, унинг меҳнатсеварлиги, ёшлигиданоқ ҳаётнинг ачиқ-чучугини кўп татиган, кўп қийинчиликларга бардош берган болалик ва ёшлик дамлари нима эканини билмай, ота-онаси ва жигарлари учун тинмай ҳаётнинг ҳаракатида бўлган буюк инсон эканлигини бобомнинг меҳнатдан қадоқлаган қўлларини назаримни солиб чуқир ўйларига толаман.

Мен Тўртқўл туманидаги Шўрахон қишлоғи ҳудудида 1928 йилнинг 20 декабрида туғилганман, — деб Ражаб бобом ўз ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қила бошлади, — камбағал дехқон оиласида улғайдим. Болалик, ўсмирлик даврим оғир уруш йилларига тўғри келди. 1941 – йили иккинчи жаҳон уруши бошланганида 6-синфда ўқирдим. Уруш туфайли

ўқишилар тўхтаб қолди. Уй ишларига қўмаклашиб юра бошладим. Сўнг «Коминтерн» колхозида ишлай бошладим. Ўша йиллардаги колхозда битта Трактор-ЧТЗ бор эди. Сўнг «Фармол» трактори келди.

1940 – йили Тўрткўл шаҳрини Амударё сув тошиб батамом вайрон қилди. Эски Тўрткўл чиройли шаҳар эди, афсус, сув балосидан омон қолмади. Ҳозирги Тўрткўл янгидан қад ростлаган шаҳар. Тўрткўл урушдан бурун республикамиз пойтахти эди. Шаҳарни сув олгач, янги пойтахт Нукус шаҳри барпо қилинди Тўрткўлда ҳарбий комиссариатда ҳам ишладим. Повестка тарқатардим. Ҳарбий комиссариат бошлиғи Грицов деган бир полковник эди. Унинг ўрнига сўнг Давлет Ешимбетов келиб ишлади. Кейинчалик у республикамизнинг таниқли раҳбарларидан бирига айланди, буни кўпчилик билса керак. Отам Роман Оллоберганов аэропортда 40 йил фаолият кўрсатганлардан. 1951 йили аэропорт Хўжайли туманига ҳозирги гўшт комбинати жойлашган ҳудудга кўчирилди. Бизларнинг оиласиз ҳам шу йили Тўрткўлдан Хўжайлига кўчиб келди.

Мен 1954 йили машина ҳайдовчиси касби бўйича таълим олдим ва ўқишини тамомлаб, машина ҳайдай бошладим.

1958 йили Нукус шаҳрига кўчиб келдим. Аввал Хўжайли гўшт комбинатида, сўнг Нукус аэропортида шоферлик касбида фаолият юритдим.

1978 йилгача шу ерда ишладим. Касалланиб, оғир операцияни бошдан кечирдим. Ногиронликка чиқиб, ишни қўйдим. Аммо ошпазликни эгаллаб, тўйларда-маъракаларди палов пишира бошладим. Ошпазлик сирларини ўрганиб олдим. Ёшим бирозга бориб қолсада, ошпазликни ташламадим.

1958 йили Зулайҳо Аметова деган тўрткўллик қизга уйланганман. Намунали оила қурдик десам ҳақиқатни айтган бўламан Юлдузимиз юлдузмга тўғри келган. Олти нафар фарзандни вояга етказдим. Катта қизларимнинг бири Ойгул ҳамшира, Раъно муҳандис, кичик қизим эса Гавҳар, уғлим Фарҳод ҳисобчи, Азимбой ва Бахтиёр шофёр. Мехнат билан банд бўлиш инсонни кўпгина кўнгилсизликлардан чалғитади. Ҳаётда тўғрилик ва ҳалоллик шиорим бўлди. Шунга амал қилиб, кам бўлганим йўқ.

Ражаб бобом ўз ҳикоясини шу ерда тўхтатиб бир жилмайди-да яна давом этди: «Сизлар менинг қўзимнинг қорачиғимларимсиз умримнинг давомчиларисиз» Бу улуғ кунларни кўриши неъматининг замирида меҳнатларим бекиёс, худога минг қатла шукр, 14 неварали, икки эварамнинг катта бобоси бўлдим. Айтмоқчиманки, мустақиллик даврининг фарзандлари сафида менинг ҳам невараларим, эварам борлигидан, келгусида улар юртимизнинг муносиб инсонлари бўлиб етишишлари ҳақида ўй суриб, улар учун барча шароитлар яратиб берилганлигидан хурсанд бўламан. Умрим бекорга ўтмабдида деб қўйяман.

— Дарҳақиқат, Ражаб бобом айтганидек, хонадонда сабр-қаноат ва меҳнат доимо ёнма-ён юради. Бу ўртадаги меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлайди, дийдор ғанимат эканини менга ҳар доим эслатиб туради...

Мундарижа

МЕХРГА ТАШНА НУРЛИ ҚҮЁШ	2
МЕХР БҮЛСИН ЁР	6
ҚАЛБ МАКТУБИ.....	7
ҚАЛБИМИЗ ТҮЛА ИФТИХОР	9
ОЧИҚ ЧЕҲРА.....	10
УНУТИЛМАС КУН	12
САМИМИЙ ИНСОНЛАРНИНГ, САМИМИЙ ЧЕҲРАСИ	14
ҚАЛБИ ҚИРРА, КЎЗИ ОЧИҚ ИНСОНЛАР.....	17
СОҒЛОМ БҮЛИШНИНГ ЎЗИ КАТТА БАХТ	18
БАХТСИЗЛИК ҲАМ БАХТ	20
БОБОМНИНГ МЕҲНАТДАН ҚАДОҚЛАГАН ҚЎЛЛАРИ. САЛКАМ САКСОН БЕШ ЁШИДА.....	22